

**Ўлим жазоси бекор қилиниши – суд-ҳуқуқ
ислохотларининг пировард натижаси**

1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, унга асосан инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият деб эълон қилинди. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги ва инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят деб белгиланди. Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тизимида яшаш ҳуқуқи, нафақат мазкур ҳуқуқнинг ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишлилиги ва ажралмас эканлиги, балки инсоннинг Конституцияда берилган ва кафолатланган ҳамда қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар томонидан ҳимоя қилинадиган барча мавжуд ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишининг дастлабки шарт ва гарови ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 6-моддаси 1-бандида бунга кенг таъриф берилади: «Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди».

Янги Конституциямиз асосида ишлаб чиқилиб, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелда кучга кирган Жиноят кодекси инсоннинг яшаш ҳуқуқини ҳимоялаш соҳасида ўзига хос ўрин тутиб, яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш чораларидан иборат тизимни ташкил этади. Жиноят кодекси Махсус қисмидаги нормаларнинг 26% муайян даражада фуқаролар ҳаётига тажовуз қилганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутишини таъкидлаш бизнингча етарли. Жабрланувчининг у ёки бу биологик хусусиятлари ва ижтимоий сифатларидан қатъи назар, фуқаролар ҳаёти жиноят қонунлари билан муҳофазаланади. Чунончи, хоҳ гўдак, хоҳ қария, хоҳ жисмонан соғлом, хоҳ ногирон, хоҳ руҳий норасо бўлсин, умуман, барчасининг ҳаётини муҳофазалашга қаратилган.

Амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмининг 13 та моддасида ўлим жазоси қолдирилди, холос. Бу ҳолат эндигина мустақил бўлган ва ўз хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилаётган республиканинг эҳтиёжларига мос келар эди, албатта.

Ўтган ўн йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан 2 тагача қисқартирилди, яъни фақат террорчилик ва оғирлаштирувчи вазиятларда қасддан одам ўлдирганлик учунгина ўлим жазоси берилиши кўзда тутилган эди.

2008 йил 1 январдан бу 2 та жиноят учун ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Ваҳоланки, яқин ўтмишда Ўзбекистонда ўлим жазоси нафақат бир қанча давлатга қарши ва ҳарбий жиноятлар, шахсга қарши ўта оғир жиноятлар учун, балки давлат ва жамоат мол-мулкани жуда кўп миқдорда талон-торож

* ТДЮИ катта ўқитувчиси, ю.ф.н.

қилганлик, масъул мансабдор шахснинг пора олиши ёки жуда кўп миқдорда пора олиш, шунингдек, айрим бошқа жиноятлар учун ҳам назарда тутилган эди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августида бўлиб ўтган ўн иккинчи сессиясида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар сони Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида 8 тагача қисқартирилди, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, яна 5 та жиноят (ЖКнинг 119-моддаси тўртинчи қисми, 152-моддаси, 158-модданинг биринчи қисми, 160-модданинг биринчи қисми, 246-модданинг биринчи қисми) санкциясидан ўлим жазоси чиқарилди.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида Президент И.А.Каримов томонидан қилинган «Адолат қонун устуворлигида» номли маърузада жиноят қонунчилигимизга оид сиёсатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш истикболлари белгилаб берилди. Шу сессияда 2001 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунга мувофиқ яна ўлим жазоси санкциясида белгиланган жиноятлар рўйхати 4 тагача камайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 118-моддаси тўртинчи қисми, 157-моддаси биринчи қисми, 242-моддаси биринчи қисми, 272-моддаси иккинчи қисми санкциясидан ўлим жазоси олиб ташланди.

Ва ниҳоят, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 12 декабрида бўлиб ўтган ўн учинчи сессиясида Жиноят кодексидаги яна 2 та жиноят (ЖКнинг 151-моддаси иккинчи қисми, 153-моддаси) санкциясидан ўлим жазоси чиқарилди.

Шу билан БМТ Бош ассамблеясининг 32 сессияси 1977 йил 9 декабрда қабул қилган 32/61-сон резолюция қўллаб-қувватланди, десак хато бўлмайди. Бу резолюцияда жумладан шундай дейилади: «Ўлим жазоси тўғрисидаги масалада кўзланиши лозим бўлган асосий мақсад мазкур жазони бекор қилиш мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, ўлим жазоси қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар сонини мумкин қадар камайтиришдан иборат».

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейинги 12 йил ичида ўлим жазосини тайинлаш имконияти 15 баравардан кўпроқ камайди.

Шундай қилиб, ҳозирга келиб Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модда иккинчи қисми) ва терроризм (155-модда учинчи қисми) учун ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш имконияти назарда тутилган жиноятлар ҳозир Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига биноан жазоланувчи қилмишлар умумий миқдорининг бир фоизига яқинини ташкил этади. Ваҳоланки, айрим илғор, демократик, иқтисодий ривожланган мамлакатлар (масалан, АҚШ, Тайланд ва б.) хали бу босқичга қадам қўйгани йўқ.

Республикамизда ўлим жазосининг жиноий жазо тури сифатида жазо тизимидан чиқариб ташлаш хусусидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони шубҳасиз инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги навбатдаги муҳим кадам бўлди.

2007 йил 15 июнда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 29 июнда Сенат томонидан маъқулланган “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар моҳият эътибори билан юқоридаги Фармоннинг амалий ифодаси сифатида гавдаланади.

Ушбу қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни диққат билан таҳлил қилар эканмиз, уларда инсонпарварлик ва адолат принципларининг сўзнинг кенг маъносида ўз аксини топганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, ушбу қонунга мувофиқ, ўлим жазоси ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий қилинди. Мазкур жазо тури ҳам фақатгина ЎзР ЖКнинг иккита моддаси (97-модда 2-қисм, 155-моддаси 3-қисм) га нисбатан қўлланилиши белгиланди.

Бундан ташқари, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакга нисбатан тайинланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги норма мустаҳкамлаб қўйилди. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда Қувайтда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳомиладор аёлларга нисбатан, АҚШ, Хитой, Эрон ва шу каби бошқа бир қатор хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам оғирроқ ҳисобланган ўлим жазосини вояга етмаганларга нисбатан ҳам қўлланилиши белгиланган.

Кези келганда, ЖКнинг 58-моддасига киритилган қўшимчада инсонпарвалик ва адолат принципининг намоён бўлганлигини эътибордан соқит этмаслик керак. Яъни тамом бўлмаган жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши мумкин эмаслиги жазолашдан кўзланган мақсадга эришишнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчага мувофиқ, умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсга афв этиш тўғрисида илтимоснома қилиш ҳуқуқининг берилганлиги, айниқса, диққатга сазовордир. Ушбу ҳолатнинг эътиборли жиҳати шундаки, жазо тизимида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси мавжуд бўлган кўплаб хорижий мамлакатлар қонунчилигида афв этиш ҳуқуқининг мавжуд эмаслигидадир.

Фикримиз сўнггида шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, Ўзбекистонда ўлим жазосига доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон Конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради.